МАШИНАЛАР ЙЎЛОВЧИЛАР ХИЗМАТИГА ШАЙ — 2-бет
ТВ «ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ — 3-4-5-бетлар
ЗИЙРАК БОБО НИМА ДЕЙДИ? — 6-бет
УСТОЗ САНЪАТКОР ХОТИРА КЕЧАСИ — 7-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 111 (10.164) / 2004 ЙИЛ 11 ИЮНЬ

Шайхонтоҳур туманидаги «KONUT» масъулияти чекланган жамиятида ҳам кўплаб ёшлар — чевар қизлар ўзларининг баракали меҳнатлари билан ички бозоримизни сифатли, кўркам, рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳозирги кунда мазкур корхонанинг тикувчилик цехининг қўли гул тикувчи қизлари тиккан эксклюзив пардалар, покривал, ёстиқ жилдлар каби маҳсулотлар жаҳон андозаларига мос ҳамда нафақат пойтахтимизда, балки республикамизнинг ҳамма бурчакларидан мижозлар буюртмаси бажарилмоқда.



**СУРАТДА: «KONUT» масъулияти чекланган жамиятининг тикув цехи ёш, ғайратли ишчиси Наргиза Рихсиева навбатдаги буюртмани бажариш жараёнида.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** «Лочира» масъулияти чекланган жамиятида бўлиб ўтган «Гиёвандликнинг соғлом турмуш тарзига салбий таъсири» мавзуидаги семинар Чилонзор туман ҳокимлиги ҳамда «Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

● **ЭРТАГА** «Туркистон» саройида Хитой маданияти кунларининг очилиш маросими бўлиб ўтади.

● **БУГУН** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон-либерал демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар «Тадбиркор аёл» уюшмаси томонидан мулоқот ўтказилди. Унда тадбиркорларга божхона тизимидаги янги қарорлар таништириб ўтилди ҳамда уларнинг муаммолари муҳокама этилди.

● **МЕҲР** ва мурувват йили муносабати билан Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «3-Чилонзор» маҳалласидан келган кам таъминланган оилаларнинг 100 нафар фарзандлари учун хайрия тадбири ташкил этилди.

● **ШАҲРИМИЗДА** фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ҳамда Товар хом ашё биржаси вакиллари иштирокида товарларни улгуржи сотишни шакллантириш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● **ОИЛА** маданиятини ривожлантириш «Баркамоллик» маркази ҳамда Эберт номли халқаро жамғарма вакиллари ҳамкорликларида бўлиб ўтган семинар «Аёлларнинг жамиятдаги ўрни» деб номланди.

● **ЗУЛФИЯ** номидаги Давлат мукофоти таъсис этилганига беш йил тўлди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Муносабат*

# СПОРТЧИЛАРИМИЗДАН УМИДИМИЗ КАТТА

**Серқуёш Ўзбекистонимизда спортга бўлган эътибор кундан-кунга ошиб бормоқда. Ҳукуматимиз ва шахсан Юртбошимиз ўзбек спортининг довруғини дунёга кўз-кўз қилаётган ёшларимизга уларнинг эзгу мақсадлари йўлида барча керакли шароитларни яратиб беришга доимо ғамхўрлик қилиб келишмоқда. Шу боисдан ўғил-қизларимиз орасидан етишиб чиққан спорт усталари нафақат республикамизда, балки дунёнинг етакчи мамлакатларида бўлиб ўтаётган нуфузли мусобақаларда ҳам ўзларининг бетакрор қобилияти ва маҳорати, жаҳон миқёсидаги ғалабалари билан халқимиз салоҳияти, куч-қудратини етти иқлимга намоён этишмоқда. Чин маънода айтадиган бўлсак, бундай ёшлар ўзбекнинг ориятн, фахри, ифтихори. Бизнинг ғуруримиз, тилак ва истакларимиз, ширин орзуларимизнинг кўпчилиги улар билан ҳамоҳанглиги ҳам мана шундандир.**

Яқинда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг Афина шаҳри (Греция)да ўтказиладиган 2004 йилги XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида муносиб иштирок этишини таъминлаш тўғрисида»ги қарори фикримизнинг яна бир далилидир. Ушбу ҳужжат замирида ўзбек спортчиларининг бўлажак нуфузли мусобақаларда фаол иштирок этишини ҳамда юқори натижаларга эришишини рағбатлантириш, уларнинг мамлакатимизнинг халқаро обрўсини оширишдаги чексиз ватанпарварлиги мисолида ёш авлодни ўз Ватани учун ғурур-ифтихор руҳида тарбиялаш каби юксак мақсадлар ётади. Шундай экан, спортчиларимиз олдида катта довон турибди. Бу довонни муваффақиятли босиб ўтиш учун аввало зарур тайёргарлик керак. Ана шу беллашувларда қатнашиб, халқимиз ишончини оқлаш спортчиларимизнинг орзуси, нияту мақсади.

Қарорнинг ҳар бир банди қатнашчиларга қулай шароитлар яратишга қаратилган. Масалан, унинг биринчи бандида: «Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси билан биргаликда Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган халқаро танлов мусобақаларида лицензияни қўлга киритган спортчилардан мамлакат терма жамоасини шакллантирсин... Мамлакат терма жамоаси спортчиларини зарур миқдорда спорт анжомлари, инвентарлари ҳамда спорт кийимлари билан таъминласин» дейилади. Бундан ташқари қарорда Ўзбекистон спортчиларини рағбатлантириш, уларнинг Ватанимиз спорти шарафига муносиб ҳисса қўшганлигини эътироф этиш мақсадида Давлат спорт қўмитасининг 2004 йил учун календарь режасида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан бир марталик мукофотлар берилиши ҳам белгиланган. Албатта бу ўринда гап мукофотда эмас, балки спортга бўлган эътиборда, ёшларимизнинг спортга бўлган қизиқишини орттиришда.

Ушбу қарор боис куни кеча ёш спортчи Эркин Каримов билан суҳбатлашиб қолдик. У ўзининг дил сўзларини шундай баён этди.

— Зеро, мен бу нуфузли мусобақаларда қатнашмасам-да, ҳукуматимизнинг бу қароридан бениҳоя хурсанд бўлдим. Спортчига нима керак? Биринчи навбатда эътибор керак. Агар унга барча шароитлар яратилиб, ўзгалар томонидан қўллаб-қувватланиб турилса, у шунга яраша ўз юзини кўрсатишга ҳаракат қилади. Бу ҳужжат мана шуниси билан ҳам эътиборга моликдир.

Бу гап бизга беихтиёр Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деган сўзларини эслатади. Албатта, ўз навбатида биз ҳам халқимиз ишончини оқлаш ниятида Афинага йўл оладиган спортчиларимизга улкан муваффақиятлар тилаймиз.

**(Ўз мухбиримиз)**

# ЎЗБЕКИСТОН БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли ташкилот ва вазирликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

Бош прокурор ўринбосари А.Холмаҳматов бошқарган тадбирда Фуқароларни муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқати чекланган деб топиш ҳақидаги фуқаролик ишлари бўйича суд-прокурор амалиётини умумлаштириш натижаларига оид масала муҳокама қилинди.

Йиғилишда мутасадди идоралар томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Шунга қарамай, судларда спиртли ичимликлар, гиёвандлик ва психотроп моддаларни суиистеъмол қилиши сабабли фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаган деб топиш ҳақидаги аризалар кўпайиб бораётгани кузатиляпти. Айни вақтда фуқаронинг руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақида келиб тушаётган аризалар эса камаймоқда.

Мазкур тоифадаги ишлар судлар томонидан асосан тўғри, уларга хос хусусиятларни эътиборга олган ҳолда ҳал этилаётир. Шу билан бирга, бу борада камчиликларга йўл қўйилаётгани оқибатида фуқароларнинг қонуний манфаатларига зиён етказилаётган ҳолатлар ҳам учраб турибди.

Хусусан, фуқароларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқ ҳамда манфаатлари билан бевосита боғлиқ мазкур тоифадаги ишларни кўришда судлар томонидан кўп ҳолатларда хатоларга йўл қўйилиб, моддий ва процессуал қонунларда аниқ кўрсатилган талабларга риоя этилмай, шошма-шошарлик билан ноқонуний ва асоссиз қарорлар чиқариш ҳолатлари кузатилаётир.

Давоми 2-бетда.

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● **Кеча Тошкентдаги Банкмолия тизими ривожланишини прогнозлаш ва эркинлаштириш институтида Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси Марказий банк билан ҳамкорликда «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама этишга бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Мудофаа вазирлигига АҚШ ҳукуматининг ёрдами — техника воситалари топширилди.**

● **Бухоро вилоят ҳокимлигида Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази бошқарув кенгашининг Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 27 майдаги «Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

● **Қашқадарё вилоят офицерлар уйида «Йилнинг энг яхши ҳамшираси» анъанавий кўрик-танлови бўлиб ўтди.**

### Жаҳонда

● **Американинг Си-Айленд шаҳрида бўлиб ўтаётган «катта саккизлик» саммитида АҚШ, Британия, Франция, Германия, Италия, Япония, Канада ва Россия етакчилари оммавий қирғин қуролларини тарқатмасликка йўналтирилган режа қабул қилдилар.**

● **Чеченистон Президенти Аҳмад Қодировни ўлдиришда гумон қилинаётганлар қўлга олинди. Россия Бош прокурорининг ўринбосари Сергей Фридинскийнинг сўзларига қараганда, Грознийдаги «Динамо» стадионидаги портлашни тайёрлаш ва амалга оширишда иштирок этган икки киши ушланиб, сўроқ қилинмоқда.**

● **Грузия пойтахти Тбилиси шаҳрида Грузия бош прокуратураси ходимлари Аджариянинг собиқ молия вазири Давид Абашидзени ҳибсга олишди. Маълумотларга қараганда, унга вазирлик пайтида хизмат вазифаларини суиистеъмол қилиш айблари қўйилган.**

● **Люксембургда шахмат бўйича бўлиб ўтган «Endergebnic Open» халқаро турнирида халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов 9 имкониятдан 8 очко жамғарган ҳолда ғолиб чиқди.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Олти йилдан бери турмуш ўртоғим билан аҳил-иноқ яшаб келмоқдамиз. Лекин фарзандимиз йўқ. Оилага болани тарбияга олиш тўғрисидаги келишув ҳақида билмоқчи эдим.**

**Л.Рустамова, ҳамшира.**

Болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув васийлик ва ҳомийлик органлари билан тутинган ота-она ўртасида тузилади.

Болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишувда болаларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш, тарбияга олган тутинган ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, васийлик ва ҳомийлик органларининг болаларни тарбияга олган оилага нисбатан мажбуриятлари, шунингдек бундай келишувни бекор қилиш асослари ва оқибатлари кўрсатилиши керак.

Келишув тузилишидан олдин болани тарбияга олаётган шахснинг турмуш шарт-шароитлари ва оила аъзоларининг соғлиғи текширилади.

Болаларни оилага тарбияга беришда васийлик ва ҳомийлик органлари уларга бир йўла кийим-бош ва пойабзал беради, болани оилага тарбияга олган шахсга эса боланинг таъминоти учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ҳар ойда нафақа тўлаб туради.

* * *

**Негадир сўнгги пайтларда оёғим тез-тез оғриб қолмоқда. Ўзимча муолажалар қилиб кўрдим, нафи бўлмади. Ёки оёқ кийимдан эмасмикан. Қандай маслаҳат берасиз?**

**М.Ширмонова, уй бекаси.**

Оёқ оғриб қолса, аксарият одамлар пойабзалдан кўрадилар. Лекин бу ҳар доим ҳам тўғри чиқавермайди. Оёқни озгина парваришлаш учун вақт ажратсак, ҳаммаси жойида бўлади. Пойабзалга доимо оёқ кийими мойини (ўсимлик мойи ҳам тўғри келади) авайлаб суркаб туриш керак. Ботинка ёки туфлининг орқа томони қаттиқлигидан оёқ товонини қабартириб юбормаслиги учун пойабзалнинг ўша жойини шам, юмшатилган совун ёки спирт суриб, юмшатиш мумкин.

Агарда оёқларингизда қадоқ пайдо бўлса, ёрилса, шилинса ванна қабул қилинг. Бунда қон айланиши яхшиланади, ҳорғинлик кетиб, товонлар юмшаб тозаланади. Бунинг учун иссиқ сувли тоғорага мойчечак ёки зиғир уруғидан тайёрланган дамламадан (1 литр сувга 1 ош қошиқ миқдорида) солинади. Ваннадан сўнг оёққа мойчечак кремини суртиб қўйиш керак.

Оёқнинг терлаши ҳам ноқулай оёқ кийими каби кишини нохуш аҳволга солиб қўяди. Бунинг учун ёз пайтида бир ой давомида кунига икки маҳал маврак (шалфей) дамламасидан чорак стакандан ичиб бориш керак. Бу дамлама бир стакан қайноқ сувга 1 ош қошиқ маврак қўшилмасидан иборатдир. Кунига икки маҳал оёқни ювиб, яхшилаб артиб, бармоқлар орасига янги узилган қайин дарахти баргларини қўйиш ҳам фойдалидир.

Наъматак барги, гули, мевасидан иборат дамлама тер ҳидини йўқотади, эрталаб тургач оёқ совуқ сувда ювиб ташланади. Яна шуни айтиш мумкинки, оёқ яланг қуруқ ерда, полда, ҳатто қорда юриш жуда фойдали.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 133-29-09 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мактуб ёзинг, қўнғироқ қилинг.**

# ЎЗБЕКИСТОН БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

Бу тоифадаги фуқаролик ишлари кўрилишида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Процессуал Кодексининг 294-моддаси талабларига зид равишда ишнинг кўрилишида фуқаронинг (жавобгарнинг) иштирокини таъминламаслик ҳолларига йўл қўйилган.

Текширишлар пайтида аниқланган 15 фуқаролик иши кўрилишида бевосита қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг тақдири уларнинг иштирокисиз ҳал этилган.Кўплаб фуқаролик ишларининг кўрилишида процессуал қонун талабларига кўра иштироки шарт бўлган васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштироки ҳам таъминланмаган. Жами 32 ишни кўришда васийлик ва ҳомийлик органи вакили иштироки таъминланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 174-моддасида васийлик ва ҳомийлик туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланиши мустаҳкамлаб қўйилган. Аммо аксарият ҳолларда судлар ўз ваколатларидан четга чиқиб, Оила Кодексининг 174-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил 12 апрелда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги низомнинг тегишли бандлари талабларига зид равишда, ҳал қилув қарорлари билан муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан васий ёки ҳомий тайинлаганлар.

Оқибатда васий ёки ҳомий этиб тайинланаётган шахснинг Оила Кодексининг 180-моддасида кўрсатиб ўтилган шахслар тоифасига кириши ёки кирмаслиги текширилмай, муомала лаёқатисиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга васий ёки ҳомий тайинлаш масалалари туман ҳокимлиги томонидан кўриб чиқилмаган.

Текшириш давомида аниқланган 80 нафар фуқарога нисбатан судлар тўғридан-тўғри васий ёки ҳомий тайинлаган. Мазкур текширишлар давомида судларнинг ноқонуний қарорларидан 20 тасига кассация, 28 тасига назорат тартибида протест келтирилди.

Йиғилишда ўтказилган текширувлар давомида бошқа бир қатор қонунбузилиш ҳоллари ҳам аниқланиб, бу борада фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш чоралари кўрилгани, қонун бузилишларининг юз беришига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга йўналтирилган тавсиялар қабул қилингани алоҳида таъкидланди.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# ДАВОЛАНИШ УЧУН ЕВРОПА ШИФОХОНАЛАРИГА

**Республиканинг турли вилоятларидан махсус тиббий ёрдамга муҳтож 30 нафардан ортиқ бола Европа мамлакатларининг энг яхши шифохоналарида бепул даволанди. Бунга Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси ва «Фриденсдорф-Интернешнл» халқаро ташкилоти (Германия) ўртасида икки йил аввал тузилган уч томонлама шартноманинг амалга оширилиши туфайли эришилди.**

Мазкур хайрия дастури шу кунларда «Фриденсдорф-Интернешнл» халқаро ташкилоти раҳбари Рональд Гегенфуртнер бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга навбатдаги ташрифи давомида янада ривожлантирилди.

«Соғлом авлод учун» жамғармасида қўшма дастурни бажариш бўйича ҳамкор ташкилотлар вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда мамлакатимизда ўсиб келаётган авлод саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик доимий эътиборда эканлиги таъкидланди. Бу фаолиятни кўплаб халқаро инсонпарварлик ташкилотлари қўллаб-қувватламоқда. Улар орасида «Фринденсдорф-Интернешнл» ҳам бор.

Жамғарманинг Тошкентда жойлашган тиббий-ижтимоий марказида ушбу ташкилот мутахассислари ўзбекистонлик шифокорлар дастлабки текширувдан кейин Европада даволаниш учун жўнатишни тавсия қилган болаларни кўрикдан ўтказишди. Германиялик шифокорлар шу мақсадда Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларига ҳам сафар қилади.

**ЎзА**

*Ёшлар — келажагимиз*

# «КАМОЛОТ ЮЛДУЗЛАРИ»ГА ЯНГИ МАҚОМ

**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида 2003-2004 ўқув йили кўнгилдагидек якунланмоқда. Шу таълимий жараёнда олий ўқув юрти иқтидорли талабаларининг илмий изланишлари кўлами кенгайди.**

Бундай тадқиқотларнинг энг яхшилари «Камолот юлдузлари-2004» танловига тақдим этилди. Ушбу билим ва маҳорат кўригига айланган мазкур тадбир яна қатор иқтидорли ёшларни аниқлаш имконини берди.

«Энг фаол етакчи», «Энг шижоаткор талаба», «Энг иқтидорли журналист» каби йўналишларда қатнашган ёш истеъдодларнинг юзлари айниқса ёруғ бўлди. Университетнинг халқаро журналистика факультети талабаларининг илмий ишлари республика миқёсида оммалаштиришга лойиқ деб топилди.

«Камолот юлдузлари»га олий ўқув юрти доирасидан республика миқёсида ўтказиладиган танлов мақоми бериш мақсадга мувофиқ деб топилди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

*Транспорт*

# СИФАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ

**Пойтахтимиз аҳолисига намунали хизмат кўрсатиш, узоғини яқин қилиш, кўзлаган манзилларига бехатар етиб боришларида «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси тасарруфидаги «Мерседес-Бенц» русумли автобусларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.**

Ушбу русумдаги автобусларнинг қатнови мунтазамлигини таъминлаш учун албатта, ўз навбатида уларга техник хизмат кўрсатиш эҳтиёжи ҳам туғилади. Шу боисдан ҳам 1996 йилда «8-автобус саройи» очиқ акционерлик жамияти ҳудудида «Мерседес-Бенц»ларга хизмат кўрсатиш сервис маркази ташкил этилганди. Ҳозир бу ерда 179 та автобусларга хизмат кўрсатилади.

— Бугунги кунга келиб марказда 240 нафар ишчи-хизматчилар самарали фаолият юритмоқдалар, — дейди сервис маркази раҳбари Эркин Аҳмедов. — Қимматбаҳо техникани кўнгилдагидай асраб-авайлаш, биринчи навбатда завод-тайёрловчининг барча турдаги белгиланган ишлар ҳажмини қатъий тартибда амалга ошириш, сервис хизмати кўрсатиш учун сарфланадиган харажатларни камайтириш ҳамда асосийси, «Мерседес—Бенц»ларнинг сервис марказига кириб келиш ҳолатларини қисқартиришдан иборат мақсадларни кўзлаган ҳолда жамоа аҳли меҳнат қилмоқда. Шунингдек, 2, 7-автобус саройларида сервис марказининг филиаллари ташкил этилиб, уларда ҳам автобусларга намунали хизмат кўрсатилмоқда.

Сервис марказида автобусларга режали равишда ҳар 15 минг чақирим йўл босиб ўтгандан кейин техник хизмат кўрсатилади, бу завод-тайёрловчилар томонидан белгиланган мажбуриятлар сирасига киради. Барча бажарилган иш турлари ва эҳтиёт қисмлар сарфи ҳужжатлаштирилади. Бу маълумотлар автобусларнинг махсус картотекасига ёзилади. Эътиборли томони, марказда ҳар бир автобусга алоҳида картотека юритилган.

Айни кунларда пойтахтимизнинг кенг, равон йўлларида йўловчиларни ташишда хизмат кўрсатаётган «Мерседес-Бенц» русумидаги автобусларидан 7 таси 1 миллион километр йўлни капитал таъмирсиз босиб ўтгани, айниқса, қувонарли ҳолдир. Марказ жамоаси ойига 279 та автобусни техник назоратдан ўтказиш имконига эга. Тажрибали катта уста Рустам Толипов, ўз соҳасининг билимдонлари бўлган серғайрат автомеханиклардан Мирёқуб Обидов, Шерзод Азимов, Асқар Иноғомов, Евгений Хван, Шамил Содиқов, Камол Сагдиевлар жамоадошларига ишдаги жонбозликлари боис, ибрат бўлмоқдалар. Марказда режа асосида амалга оширилаётган ишлар туфайли ҳам автобусларнинг тайёргарлик коэффициенти 0,97 ни ташкил этади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси тасарруфидаги автобус саройларидаги «Мерседес-Бенц» русумли автобус ҳайдовчилари иш сменасидан бўш пайтларида тасдиқланган жадвал асосида сервис маркази билан келишилган ҳолда бу ердаги ўқув курсларида касб маҳоратларини оширмоқдалар. Уларнинг 1 йилда икки марта 30 соатлик ўқиш ва амалиёт ўташлари режага киритилган.

Сервис маркази йилдан йилга кенгайиб, янги хизмат соҳаларини ўз ичига олмоқда. Ишчи-хизматчиларнинг ихтирочилик, ташаббускорлик фаолиятлари ривожланиб бормоқда. Уларнинг янгиликка интилиб, изланишлари самараси ўлароқ, айрим деталлар, агрегатларнинг баъзи қисмларини қайта тиклаш имкониятлари ҳам яратилди. Бунинг натижасида анча маблағ тежалиб, унга қўшимча эҳтиёт қисмлар сотиб олиш мумкин бўлди. Шу билан бирга, деталларни қайта тиклашдан ташқари, марказнинг ишчи-хизматчилари кўмагида таъмирлаш цехларини қайта тиклаш, махсус участкалар ташкил этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда «Мерседес-Бенц» автобусларини таъмирлаш иш ҳажмларини камайтириш мақсадларида махсус ускуналар яратилди ва улар ишлаб чиқаришда муваффақиятли қўлланилмоқда.

Марказда мисгарлик цехи ҳамда тикувчилик — ўриндиқларга ғилофлар тикувчи цехлар ҳам ишлаб турибди. Жорий йилда ҳам марказ тадбиркорлари аниқ режалар асосида меҳнат қилмоқдалар. Айни кунларда тикувчилик цехида марказнинг автомеханиклари учун ёзги мавсумга махсус иш кийимлари тикиб бўлинди.

«7-автобус саройи» акционерлик жамияти қошида ташкил этилган сервис маркази филиалини тўла ишга тушириш — бу ерда кузовни таъмирлаш цехини, автомеханикларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ечиниш хоналарини қуриш яқин вақтларда амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, марказнинг барча ишчи-хизматчилари ўз ишларига сидқидилдан ёндошиб, зиммаларидаги вазифаларини уддалашга интилишмоқда.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

### Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлар...

● Номард киши узрингни қабул этмайди, хатоингни эса кечирмайди. Разилона яшагандан кўра мардона ўлган минг марта афзал.

● Атрофдаги барча нарсани унутиб, фақатгина бир нарсага ортиқча меҳр қўйиш кўзни кўр, қулоқни кар қилади.

● Бир ҳакимнинг айтишича, хушмуомалаликнинг ўнта белгиси бор. Улар қуйидагилар: инсоф, ақл, илм, ҳилм, олижаноблик, кўркам феъл, яхшилик, сабр, шукр, мулойимлик. Мана шу хислатларни ўзида жамлаган одамдан зинҳор ёмонлик кутиб бўлмайди.

● Баён қилишларича, бирор идишга мой қуйиб қўйилган бўлса, унга мой қуйиб қўйилганини ташқаридан қараб билиш мумкин. Шунингдек, одамнинг ҳам юзи, кўзи, тили ва кўринишига қараб унинг дилида нима борлиги, кўнглидан не хаёллар кечаётганини сезиб олиш мумкин.

● Бир куни бир ҳакимдан:

— Ботирлик яхшими ёки ақлу тадбирми? — деб сўрадилар.

У эса:

— Ботирлик тиғ бўлса, ақлу тадбир қўлдир. Агар уларга иш қилиш топшириладиган бўлса, қўл тиғсиз ҳам уни амалга ошира олади, аммо тиғ қўлсиз бирор ишни амалга ошира олиши муаммо! — деб жавоб берди.

● Бир ҳакимдан:

— Қандай одам жазога лойиқ? — деб сўрадилар.

У эса:

— Ҳеч қандай инсон жазога лойиқ эмас. Жазога лойиқ нарсалар ваҳший ҳайвонлар, одамларга зиён етказадиган илончаён каби газандалардир. Аммо шундай одамлар ҳам борки, уларнинг вужудида дарранда ва газандаларнинг хислати бўлади. Бундай кишилар қилган ёмонликларига жазоланадилар. Шу тариқа кишиларни ҳатто одам дейиш ҳам ноўриндир!

● Унутмагинки, киши ҳеч қачон тамагир бўлмаслиги керак. Кишининг бошига тамадан турли балолар келади. Сал нарса учун киши ғазабланмаслиги керак, чунки киши учун дунёда ғазабдан кучлироқ нарса йўқ. Ғазаб келган пайтда киши ўзининг нима қилаётганини ўзи билмайди. Одам кишиларни ўз феълига мослаштиришга уринмаслиги керак. Балки одамлар қандай феълда бўлса ўша феълга мослашмоқ керак.

● Жолинус ҳаким вафот этгач, унинг хонасидан хат ёзилган қуйидаги қоғозни топдилар: «Энг аҳмоқ ва нодон киши шундай кишики, топган емишини — у нима бўлишидан қатъи назар, тўхтатмай оғзига солаверади. Вахоланки, табобатда айтилишича, ўртача ейиш саломатлик гарови!».

Байт:

**Танпарварлик бўлса**
**доим хаёлинг,**
**Қачон сенга кулиб**
**боқади иқбол?**
**Гар гадосан гарчи**
**шоҳнинг лашкари,**
**Нафсинг орзусини**
**йўқотгил дарҳол.**

● Унутмагинки, ўз дардини табибдан яширган одам ўз-ўзига хиёнат қилган бўлади.

*Учрашувлар*

# ОГОҲ ВА ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК

**Куни кеча Ўзбекистон Миллий университетининг талабалар ётоқхонасида ёшларни огоҳлик ва ҳушёрликка даъват этишга бағишланган талабалар билан учрашув бўлиб ўтди.**

Учрашувда ҳозирги даврда диний экстремизм, кўпорувчилик — терроризмга қарши курашишда асосий вазифалар, айниқса ёшлар билан олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий ишларни изчил, чуқур ўйланган тизим асосида ташкил этиш ва уларнинг таъсирчанлигини кучайтириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Зеро, ушбу тадбир келажагимиз бунёдкорлари бўлган ёшларни ён-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан фаоллашишга, мамлакатимиз эришаётган ютуқларни қадрлашга, демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида бошланган ишларимизнинг муносиб давомчилари бўлишга даъват этиш мақсадида ташкил этилди.

Учрашувда «Аёл — она, мураббий, раҳбар» теледастури бошловчиси Гулчеҳра Назарова, Ўзбекистон Миллий университетининг маънавий-маърифий гуманитар таълим ишлари бўйича биринчи проректори, профессор Раҳбар Муртазоева, университет хотин-қизлар қўмитаси раиси Лаълихон Муҳаммаджонова, ижтимоий-сиёсий фанлар факультети декани Гулмира Юнусова ва сиёсатшунослик бўлими талабалари, шунингдек, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳамда «Олима» аёллар ташкилоти вакиллари ушбу долзарб мавзу юзасидан фикр алмашдилар.

Ҳақиқатдан ҳам, ёшларнинг фаол иштирокисиз, эртанги кунга ишончсиз давлатнинг том маънодаги тараққиётига эришиш мураккаб масала.

Бундай тадбирларнинг кўплаб ўтказилиши эса ёшларни ўз манфаатлари йўлида бирлашиш, ҳамжиҳат бўлиш, мамлакатимизда яратилаётган барча имкониятлардан эҳтиросларга берилмай, ақл-идрок билан фойдаланиш йўлида, уларни Миллий истиқлол ғояларига муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

**Дилором ДЎСМУҲАМЕДОВА,**
**Ўзбекистон Миллий университети талабаси.**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## НОН БЕБАҲО

Нон ҳаётимиз зийнати, турмушимиз фаровонлиги, халқимизнинг бахти, фахри, ифтихори. Шунинг учун ҳам биз уни ҳамма нарсадан азиз ва мўътабар деб биламиз. Ризқу рўзимиз деб эъзозлаймиз. Бу бебаҳо неъматни тежаб-тергаб ишлатиш ва унинг бир бурдасини, ҳатто ушоғини ҳам исроф қилмаслик ҳақида қайта-қайта гапиришимизнинг боиси ҳам ана шунда.

Наманган сафаридан қайтаётганимизда ҳамроҳларимиздан бири Поп туманидаги шоҳ кўча чеккасида жойлашган кичик бозорча ёнидан ўтаётиб: «Мана шу ерда яхши нон сотишади. Уйга—болалар олдига қуруқ қўл билан кириб бормай уч-тўрттадан нон олволсак яхши бўларди-да», деб қолди.

— Нони яхши, арзонроқ бўлса, олволайлик, — дедик биз. Келишгунимизча анча олға юриб қўйган машинамиз орқага қайтишга мажбур бўлди. У бозорча рўпарасига келиб тўхтади. Ҳаммамиз баравар кабинадан тушдик.

Қулинг ўргилсин, бўрсилдоқ нонлар кўзни қамаштиради. Уларга тикилиб туриб ҳавасинг келади. Бири-биридан бежирим, сифатли. Самарқанднинг донғи чиққан нонидан қолишмайди.

Бир чеккадан нон нархини суриштира кетдик.

250 сўм, 300 сўм, 200 сўмлик, ҳатто 50 сўмгача нонлар бор. Қай биридан олишни билмаймиз. Унисидан буниси, бунисидан униси кўзимизга ёқимли кўринади. Новвойлар эса ўз маҳсулотларининг мақтовини келтириб бизга тиқиштиради.

— Мана, мендан олинг, мендан олинг.

Фақат биргина шу сўз уларнинг оғзидан тинимсиз янграйди.

— Оламиз-у, бироз нархи қимматроқ экан-да.

— Арзонроқ қилиб бераман. Келинг, сизлар донасига 200 сўмдан бера қолинглар. Хуллас 4 киши танлаб-танлаб 6 тадан патир нон харид қилдик. Новвой аёл маҳсулоти ўтганига, биз эса у айтганидан арзонроқ баҳога харид қилганимизга хурсандмиз.

Нонларни халтачага жойлаб, яна машина кабинасига ўтирдик. Кабинани бир зумда хушбўй ва мазали нон ҳиди қоплади.

— Қаранглар, — дейди ҳамроҳларимиздан бири, — нақадар ёқимли ҳид-а.

— Ҳа, — деймиз унга жавобан биз, — ҳеч нарса нонининг ўрнини боса олмайди. Аслида нонининг ўзи бебаҳо-ю, яна биз нуқул унинг баҳосини суриштириб новвой билан талашганимиз-талашган.

— Чиндан ҳам нонининг баҳоси йўқ. У бебаҳо неъмат, — дейди дўстларимиздан бири суҳбатимизга якун ясаб.

## «БИЗ ТАРОЗУДАН УРМАЙМИЗ»

Қассобхонаға гўшт харид қилгани кирдик. Ингичка, чиройли, гўёки қовун тилимидек бир текис қилиб осиб қўйилган гўшт бўлакларига қараб ҳавасим келди.

— Килоси неча пул? — сўрайман сотувчидан.

— 2200 сўм. Мана буниси сон гўшти — 2500 сўм. Лаҳими эса — 2700 сўм. Айтинг, қай биридан тортай?

— Битта молнинг гўштими булар?

— Ҳа, битта молники.

— Нега бўлмаса нархи ҳар хил?

— Энди, ўзига қараб-да отахон. Ҳеч ким лаҳимини сизга 2200 сўмга бермайди.

Тавба, олдин қассоблар битта молни сўйишса, гўштини бир текис майдалаб, бир хил нархда сотишарди. Энди эса турларга ажратиб, уч хил нархда сотишадиган бўлишибдида, ўйлайман ўзимча. Қараб турсам, кўпчилик харидорлар бу одатга аллақачон ўрганиб қолишган шекилли сотувчилар айтганини бериб, гўштни харид қилиб кетишяпти.

Хуллас, савдолаша-савдолаша 2 килограмм гўшт харид қилдик. Сотувчи маҳсулотни чаққон ўраб, халтага тиқди.

— Тарози тўғрими, ишқилиб, — гўшт чўғи камлигини кўриб сўрадик қассоб боладан.

— Бировнинг ҳаққи тешиб чиқади, отахон. Биз тарозидан урмаймиз.

Уйга келишимиз билан қассобнинг нечоғлик тўғрилигини текшириш учун гўштни қайта тортдик. Тарози шайини роппа-роса 1 кило-ю 800 граммни кўрсатди. Бунинг устига гўшт орасидаги катта бир бўлак қуруқ суякка кўзимиз тушиб таъбимиз тирриқ бўлди. Шунда бир танишимнинг «Гўшт орасига қуруқ суяк тиқиб, тарозидан уриб қолмаган қассобнинг қўли қалтироқ бўлиб қолади», деган сўзларини эсладим.

## ТЎЙ БЎЛМАЙДИ

Ҳаёт қизиқ ва ранг-баранг. Баъзан ишинг юришиб, бахтинг кулиб боққанида қалбинг бир олам қувончга тўлади. Баъзан эса ўйламай-нетмай айтган бир сўзингдан умрбод пушаймон бўлиб юрасан. Бу гапни айтишимизнинг боиси бор, албатта. Яқинда қизиқ бир воқеанинг гувоҳи бўлдик. Қўшнимизникида тўй тараддуди бошланиб кетди. Узунқулоқ гаплар орқали эшитсак хонадоннинг якка-ёлғиз ўғли Ваҳобжон севган қизи Маҳбубахонга уйланаётган экан. Келин қайсидир бир дўконда сотувчи бўлиб ишларкан.

Никоҳ маросимидан уч-тўрт кун олдин Ваҳобжоннинг онаси — Ҳабиба опа келинни яхшироқ таниб-билиб олиш мақсадида ҳеч кимга билдирмай у ишлайдиган дўконга харидор сифатида борибди. Зийрак аёл ўша биринчи марта совчиликка борганда кўрган келин — Маҳбубахонни дарҳол таниб у томон яқинлашибди. Айни шу топда келин бўлмиш уч-тўртта дугоналари орасида бўлажак тўй ҳақида сўз юритаётган экан. Шунда қизлардан бири унга:

— Ҳай дугонажон, онаси бор йигитга турмушга чиқмайман, дер эдинг, ахир бўлажак куёвнинг онаси бор эканку.

— Ўлсин. Пешонамга шуниси ёзилган экан-да. Энг ёмон кўрганим қайнона эди.

— Қайнонангни кўрдингми ўзи. Муросаю мадора қилса бўладими?

— Бир марта совчиликка келганда кўзим тушгандек бўлувди. Лекин қизлар, очиғини айтсам у кўринишидан анча совуқ, беўхшовроқ хотинга ўхшади.

— Ўзи жаҳлинг бурнингнинг устида туради, қайнонанг ҳам сенга ўхшаш тез бўлса, чиқишолмай қоласан-да.

— Шунақа бўлса, куёв тўрани ишга соламан. Ойиз жонимга тегди, бўлак жой олиб чиқиб кетайлик, дейман. Кўнмаса масални кескин қўяман. Ё уни дейди, ё мени.

Бўлажак келиннинг бу гапларидан Ҳабиба опа титраб кетди. Ичидан келган тўлғоқни аранг босиб, яна бир бор синашта учун Маҳбубахонни суҳбатга тортди.

— Қизим, менга қараворинг.

Маҳбубахон «харидор»нинг бу гапига эътибор бермай суҳбатини давом эттираверди. Ҳабиба опа яна уни чақирди.

— Ҳа, нима дейсиз. — Маҳбубахон «одобсиз харидор»ни жеркиб берди.

— Анави кўйлагингизни кўрсатинг-чи.

— Нима қиласиз одамни овора қилиб, у сизга мос келмайди, ёшларники.

— Ўзимга эмас, бўлажак келинимга олмоқчиман.

— Вой ўлибди, келинингизга шу кўйлакни оласизми, нима бало келин ердан чиққанми, шунақа кўйлакни кийса.

Ҳабиба опа аччиқ жилмайиб бошқа бўлимга ўтди. Ниҳоят кетар чоғида шу бўлимда хизмат қилаётган сотувчи қиздан атайлаб сўради.

— Қизим, Маҳбубахон керак эдилар.

— Ҳозир Маҳбубахоннинг ўзлари билан гаплашдингизку холажон. Бирор гапингиз бўлса, ана ўзларига айта қолинг.

— Айтар гапим шуки, мен шу қизнинг севган йигити Ваҳобжоннинг онаси бўламан. Яқинда уларнинг тўйлари бўлиши керак эди. Афсус, биз келин танлашда янглишган эканмиз. Энди тўй бўлмайди. Менинг шу гапимни сиз Маҳбубахонга етказиб қўярсиз.

Бу сўздан ҳамма бирдан Маҳбубахон тарафга қаради. У оқариб, гезариб стулга ўтириб қолди. «Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир», деганлари шу бўлса керак-да.

*Турфа олам*

## ИШГА ВЕЛОСИПЕДДА КЕЛАДИ

**Рига.** Латвия Бош вазири Индулис Эмсис ишхонасига велосипедда боришни афзал кўраркан. Ёрдамчиларнинг сўзига қараганда шу усул билан у соғлом турмуш тарзини тутиб туради. Бош вазир ишга боришда махсус костюм ва ҳимояловчи бош кийимдан фойдаланади. Гарчи Рига бу икки ғилдиракли транспортлар учун қулай шаҳар бўлмасда, Индулис Эмсис ҳиёбон ва чекка кўчалардан юришга ҳаракат қилади. Йўлда Бош вазирнинг хавфсизлигини таъминлашда унинг шахсий соқчилари бор. Соқчиларнинг бир қисми Бош вазир орқасидан велосипедда, қолган бир қисми Джип автомобилларида уни кузатиб боришади.

## АШАДДИЙ КАШАНДА

**Ханой.** Кимнинг энг узун сочлари бор, энг узун тирноқларчи? Ким бир неча дақиқалар ичида юзта сигарет чека олади? Шу турдаги аломат саволларга яқинда Вьетнам рекордлар китобидан жавоб топилди. Ғарбдаги Гиннеснинг рекордлар китобидан бу вьетнамча аналог фақатгина кулгили ва ғалати рекордларни (кўз кўриб қулоқ эшитмаган) ўзида мужассам қилиши билан ажралиб туради. Рекордлар ҳар куни мунтазам тўпланиб борилади. Ҳозирда охирги ва янги рекордни вьетнамлик Нгуян Там Не исмли шифокор ўрнатди. Ярим метрдан баландроқ врач, ўзининг бир ярим метрли сочлари билан китобга киритилди.

## УЙ БЕКАСИ БЎЛИШ ОСОНМИ ЁКИ...

**Лондон.** Замонавий британиялик аёллар эркаклар билан тенг ишлаш ва пул топишдан кўра уй бекаси бўлишни афзал кўрмоқдалар. Буни «Еуро-Эр-Си-Джи» компаниясида ўтказилган сўровлар натижаси кўрсатди. Ҳозирда кўпчилик Британия аёллари эски ибтидоий асрлардаги каби рўзғор юмушлари билан шуғулланишни орзу қилишмоқда. 69 фоиз аёллар XXI аср неъмат ва имкониятлари бўлган техникадан фойдаланган ҳолда уй бекалигини энг яхши касб деб ҳисоблашади. Эндиликда эса, бунга қарама-қарши ўлароқ, эркаклар хотинларининг ишлаб, рўзғор учун пул топишларини хоҳлаб қолишди. Фақатгина 48 фоиз эркакларга аёлларининг уй бекаси бўлиш ҳақидаги фикрлари маъқул келган.

**Улуғой ДОЛИЕВА**

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Усмон Юсупов номли 132-ўрта мактаб томонидан 1993 йили Расулходжаева Нилуфар Анваровна номига берилган АУ № 314886 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон Бадиий академиясининг замонавий санъат марказида мамлакатимиз маданияти ва санъати ривожига улкан ҳисса қўшган заҳматкаш инсонлар Тамарахоним, М.Турғунбоева, Ю.Ражабий ва М.Ашрафий ижодига бағишланган тўрт музей манбалари асосидаги «Замон ва шахслар» кўргазмаси бўлиб ўтди.**

*Санъат*

# ЮНУС РАЖАБИЙ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ





Кўргазманинг якуний қисмида таниқли созанда ва бастакор, педагог, Давлат мукофотлари совриндори, Ўзбекистон Халқ артисти Юнус Ражабий ижодига бағишланган хотира кечаси уюштирилди.

Буюк санъаткорни хотирлаш учун шогирдлар, бирга ишлаган ҳамкасблар, санъатшунослар, маданият арбоблари ва оила аъзолари йиғилди. Сўзга чиққанлардан Ўзбекистон Давлат консерваторияси профессори Аҳмаджон Жабборов, созанда ва хонанда Сайдазим Қудратиллаев, санъатшунослик фанлари доктори Рустам Абдуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлардан Ҳолисхон Қодирова, Хадия Юсупова ва бошқалар Ю.Ражабий ҳақидаги хотиралар билан ўртоқлашдилар ва илиқ фикрларни билдирдилар.



Кеча давомида санъаткорнинг фарзандлари Ўзбекистон Халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тоҳир Ражабов, набираси хонанда Азиз Ражабий, шогирдлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлардан Хадия Юсупова ва Холисхон Қодирова ижросида бастакор яратган асарлардан намуналар ижро этилди.

Айниқса Швейцария фуқароси Катрин хонум Даниэлия томонидан «Сарахбори дугоҳ»нинг биринчи таронасига маҳорат билан ижро этилган рақс йиғилганларда чуқур таассурот қолдирди.

**Раҳматхон АКМАЛОВ**

**СУРАТЛАРДА: хотира кечасидан лавҳалар**

**Муаллиф олган суратлар.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби кафедралар бўйича қуйидаги бўш (вакант) ўринларга юқори малакали мутахассислар танловини**

**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ :**

1. Кафедра мудири (фан доктори ёки доцент): инглиз тили, немис тили, рус тили.

2. Профессор, фан доктори, доцент, фан номзоди:

Ўзбекистон тарихи, ҳуқуқшунослик ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, фалсафа, маънавият асослари ва диншунослик, маданиятшунослик, иқтисодий назария, социология, педагогика ва психология, миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, сиёсатшунослик, кадрлар билан тарбиявий ишлар, физика, кимё, экологик ёниш (портлаш) жараёнларининг назарий асослари, чизма геометрия ва муҳандислик графикаси, амалий механика, касбий фаолиятда автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ва алоқа, ишлаб чиқариш автоматикаси ва электроника, иссиқлик техникаси асослари, химия саноатининг асосий жараён ва аппаратлари, гидравлика, экстремал медицина, қурилиш материаллари ва материалшунослик, фуқаро ва ишлаб чиқариш биноларининг конструкциялари, касбий фаолиятининг иқтисодий асослари, хизмат фаолиятининг ҳуқуқий асослари.

Ҳужжатларни (ариза, шахсий варақа расм билан, илмий даража, илмий унвон ва маълумоти ҳақидаги дипломлар нусхалари, илмий ишлар рўйхати) қуйидаги манзилга тақдим этиш мумкин:

700017, Тошкент — 17,
Шароф Рашидов шоҳкўчаси, 23-уй.
Телефон: 133-84-37, 136-00-36,
133-45-07, 134-65-38.

**"ИШЛАБ ТОП!"**

**Жаноб тадбиркорлар ва муҳтарам корхона раҳбарлари!**

Биз навқирон, иқтидорли, ғайратга тўла ёшлармиз. Бизга фақат Сизнинг тажриба ва кўмагингиз етишмаяпти. Ғайрат ва тажрибани бирлаштириш вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб борувчи энг қисқа йўл.



TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI KAMOLOT



Тошкент шаҳар "КАМОЛОТ"и тадбиркорларга "Ишлаб топ" ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишини таклиф қилади.

Қўшимча маълумотларни

137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин.
Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

www.tashkentkamolot.uz
Www.2oxygen.com
www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тадбиркорларга "Тасвир" нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.

## «02»: ҲОДИСАЛАР

● Ҳозирги кунда «ажал уруғи» деб ном олган гиёванд моддалари ва уларнинг оқибатлари тўғрисида жуда кўп гапирилмоқда. Инсон саломатлиги ва ҳаётига кескин тарзда раҳна соладиган моддаларга қарши бутун ер юзи халқлари кураш олиб бормоқда.

Аммо шунга қарамай, айрим нопок кимсалар томонидан турли хилдаги гиёванд моддалар олди-сотдиси ва шу тарздаги ноқонуний савдоларга воситачилик қилиш, шунингдек, энг ачинарлиси, ушбу зарарли моддаларни истеъмол қилиш каби ҳолатлар афсуски учраб турибди. Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари томонидан амалга оширилаётган тадбирлар натижасида гиёванд моддалари билан бевосита боғлиқ бўлган бир нечта жиноий ҳаракатлар бартараф этилди.

Жумладан, Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-1 даҳасида ўтказилган тадбир жараёнида ТТЗ-2 даҳасида яшовчи, бирор жойда ишламайдиган Г.Александр исмли шахс тўхтатиб, текшириб кўрилганида, унинг ёнидан 1 килограмм 820 грамм марихуана моддаси топилди.

● Шунингдек, Дўстлик-2 даҳасида жойлашган автобусларнинг сўнгги бекатида бесаранжом ва безовта ҳаракатлари билан милиция ходимларининг назарида бир мунча шубҳа туғдирган бир шахс тўхтатиб, текшириб кўрилганида унинг қўлида бўлган сумкасидан оз эмас, кўп эмас 3 килограмм 371, 23 грамм марихуана моддаси топилиб, тортиб олинди. Ушбу туманнинг Ховос кўчасида яшовчи, бирор жойда ҳалол меҳнат билан шуғулланмайдиган С.Геннадий эндиликда қилмиши учун жавоб бермоқда.

Ҳозирги кунда гиёванд моддаларни қонунга хилоф равишда олиб юрган шахслар устидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● Турли хилдаги сохта таклифлар билан бир нечта соддадил фуқароларнинг ишончини суиистеъмол қилиб улгурган бир фирибгарнинг ниҳоят қинғир фаолиятига нуқта қўйилди.

Маълум бўлишича, Чилонзор туманида истиқомат қилувчи Т.М. исмли ушбу шахс дастлаб Тошкент вилоятининг Қуйичирчиқ туманилик таниши Э.Шарофуддиновни «Жанубий Корея давлатига ишлашга юбораман», деб алдаб, унинг 200 АҚШ долларини олиб ваъдасининг устидан чиқмаган.

Бундан ташқари Чилонзор тумани, 8-мавзеда жойлашган 3-уйнинг олдида Сергели тумани, 5-даҳада яшовчи таниши, фуқаро М.Тоштемировга ҳам айнан шу тарздаги найрангни ишлатиб, унинг 750 АҚШ долларини қўлга киритиб қочиб юрган.

Бир вақтнинг ўзида фирибгар яна бир танишининг ҳам қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, пулларини куртдай санаб олишга улгурган. Унинг ёлғон сўзларига Шарқ мавзесида истиқомат қилувчи Т.Жалилов ҳам лаққа тушиб, 900 АҚШ долларини санаб тутқазиб юборган.

● Андижон вилоятининг Марҳамат тумани, Марҳамат қишлоғида яшовчи А.Қўчқоров деган фуқаро бўлса, шунча йўл босиб пойтахтга келиб, айнан шу фирибгарнинг гапларига ишониши натижасида «Чет элга бориб, ишлаб келаман» деган умидлар билан тўплаб юрган 1 690 000 сўм пулларини билиб-билмай ҳавога учириб юборди.

Бугунги кунда мазкур жиноятчи устидан тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази инспектори**

*Мутахассис маслаҳати*

## ЎТКИР ЮҚУМЛИ ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

***Юртимизда ёз фасли бошланди. Ҳозир бозорларда турли хил хўл мевалар, сабзавотлар, кўкатлар кўплаб сотилмоқда. Бу маҳсулотлар инсон организми учун фойдали бўлиб, уни керакли витаминлар билан таъминлайди. Куч-қувват, саломатлик бахш этади, дастурхонимиз кўркини очади. Аммо хўл мева ва сабзавот, полиз маҳсулотлари ҳамда кўкатлар санитария-гигиена қоидаларига амал қилган ҳолда тўғри истеъмол қилинмаса, кишиларни ўткир юқумли ошқозон ичак касалликлари билан хасталинишга олиб келиши мумкин.***

Бундан ташқари, фуқаролар томонидан санитария талабларига жавоб бермайдиган шароитда тайёрланиб, бозорларда, шоҳкўчалар бўйида ва аҳоли гавжум тўпланадиган бошқа жойларда сотилаётган чанқовбосди ичимликларни ичиш ҳам кишида турли хил ўткир юқумли ичак касалликлари билан хасталаниш хавфини туғдиради. Сабаби, бу касалликнинг қўзғатувчилари, яъни микроблари ювилмаган хўл мевалар ва сабзавотларда, ифлосланган озиқ-овқат маҳсулотларида, ариқ ва анҳор сувларида кўплаб учрайди. Ҳовли ва кўчалардаги, бозорлардаги чиқиндихоналардан кундалик йиғиладиган чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб чиқиб кетилиши таъминланмаса, ҳожатхоналар ифлос тутилса касаллик қўзғатувчилари ҳамда уларни ташувчилар бўлмиш пашшаларнинг кўпайиши учун қулай шарт-шароитлар яратилади ва касаллик қўзғатувчилари аҳоли яшаш жойларида улар ёрдамида тарқалади.

Ўткир юқумли ичак касалликларига дизентерия, қорин тифи, паратифлар, салъмонеллёз ва бошқа хасталиклар киради. Бу касалликлар микроблари билан ифлосланган озиқ-овқат маҳсулотлари қайнатилмаган ариқ суви орқали соғ кишига юқиши мумкин.

Ўткир юқумли ичак касалликларини тарқатувчи манба ичак касалликлари билан касал бўлган беморлар ёки бацилла ташувчилардир. Улар сийдик, нажас билан атрофга кўплаб юқумли касалликлари микробларини ажратадилар,

Касалликларнинг юқишига ифлосланган қўл, овқат ва мева-сабзавотлар, сув, пашшалар сабаб бўлади.

Ўткир юқумли ичак касалликлари билан касалланганларда бадан зириқирайди, дармон қурийди, иштаҳа йўқолади, қоринда оғриқ пайдо бўлади, бош оғрийди, тана ҳарорати кўтарилади, айрим ҳолларда қайт қилиш ва тез-тез ич кетиши кузатилади.

Шунинг учун, ўткир юқумли ичак касалликлари билан касалланмай десангиз қуйидаги санитария-гигиена қоидаларга қатъиян риоя қилишни унутманг:

— шахсий гигиена қоидаларига пухта риоя қилган ҳолда овқатланишдан олдин ва ҳожатхонага кириб чиққандан кейин албатта қўлни совунлаб ювиш лозим. Хўл мева ва сабзавотларни ҳамда кўкатларни водопровод сувида ювиб ейиш керак;

— номаълум шахслар томонидан санитария талабларига риоя қилмасдан тайёрлаб бозорларда, кўчалар бўйида ва аҳоли гавжум тўпланадиган жойларда фуқаролар томонидан ноқонуний равишда сотилаётган озиқ-овқатларни, турли хилдаги ичимликларни истеъмол қилманг.

— махсус чўмилиш учун ажратилмаган жойларда, яъни кўлмак сувларда ва фаввораларда чўмилманг;

— уйда, кўчада, жамоат жойларида ҳамда бозорларда тозаликка ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилинг; чиқиндихоналардан йиғилган кундалик чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетилишини таъминланг, ҳожатхоналарни тоза сақлаш;

— юқумли касалликлар тарқатувчи ҳашарот ва пашшаларга қарши курашинг;

— касалликнинг бошланғич аломатлари, яъни, ҳолсизланиш, қорин соҳасида оғриқ пайдо бўлиши, кўнгил айниши, ич кетиши ва тана ҳароратининг кўтарилиши пайдо бўлганда зудлик билан шифокорга мурожаат қилинг.

Мана шу айтиб ўтилган санитария-гигиена қоидаларига риоя этиш билан Сиз ўзингизни ва Сиз билан мулоқотда бўладиган кишиларни ўткир юқумли ошқозон-ичак касалликлари билан касалланишдан сақлаган бўласиз.

**М.САИДОВ,**
**Собир Раҳимов туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази овқатланиш гигиенаси бўлинмаси мудири**

*Бўш вақтингизда*

## КРОССВОРД



**Энига:** 5. Чиннисимон бинокорлик ашёси. 6. Ўзбек халқ мақоми. 10. Даниель Дефо ёзиб қолдирган саргузашт асар қаҳрамони. 11. Ёқилғи ташишга мўлжалланган махсус кема. 13. Абдулла Орипов шеъри. 15. Мавжуд ҳол, вазият. 17. Сув транспорти. 21. Бир йўналишда қатновчи самолёт. 23. Ўзбек мумтоз шоири, тарихчи ва таржимон. 25. Инглиз адиби. 27. Биринчи ўзбек овозли фильми. 28. Парранда аъзоси.

**Бўйига:** 2. Металл буюмларини таъмирловчи ҳунарманд. 3. Шараф — азиз, табаррук номини олган шаҳар. 7. Шахмат бўйича жаҳон чемпиони. 8. Океанларни ўрганган француз тадқиқотчиси. 9. Экватерал юлдуз туркуми. 12. Воқеа-ҳодиса ҳақида аввалдан хабар берувчи. 14. Байрам олди куни. 18. Эркин Воҳидов ғазали билан айтиладиган қўшиқ. 19. Табиий сув манбаи. 20. Манфий белги. 22. Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони. 23. Физиканинг ёруғлик хусусиятларини ўрганувчи бўлими.

Белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига: 16. Жамоа бўлиб тўп билан ўйналадиган спорт.

**Ёйлар бўйича:** 1. Совға, инъом. 4. Жўхори унидан тайёрланган нон. 24. Генетика фани асосчиларидан бири, америкалик биолог олим, Нобель мукофоти соҳиби. 26. Қуруқ мева.

Муаммонома

**Очқич сўзлар:** 1. Дунё океанларидан бири — 4, 2, 17, 5.
2. Пул бирлиги — 7, 15, 12.
3. Жанубий Исландиядаги сўнмаган вулқон — 14, 10, 6, 8, 1.
4. Бирор фаолиятга оид тартиб-қоидалар мажмуи — 17, 2, 16, 18, 12.
5. Тошкентнинг илк номларидан бири — 13, 18, 19.
6. Ярим шар шаклидаги гумбаз — 3, 11, 9, 9, 1.

Энди шакл атрофидаги рақамларда ифодаланган муаммономани очқич сўзларидаги ҳарфлар асосида ҳал этинг. Бунда улардан ўзбек мумтоз шоираси Жаҳон Отин Увайсий меросига мансуб икки мисра ҳикматни билиб оласиз.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 4 июнь сонида берилган «Ўзбек халқ мақоллари» сканвордининг жавоблари:**
1. Олмос. 2. Олади. 3. Олтин. 4. Ботир. 5. Бошда. 6. Қараш. 7. Тариқ. 8. Кўлда. 9. Сўраб. 10. Кузат. 11. Кунда. 12. Сават. 13. Касал. 14. Гапир. 15. Падар. 16. Аввал. 17. Авлиё. 18. Арзон. 19. Ўрган. 20. Олқиш.




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4127 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-709.

1 2 3 4 6